

Кредит линияси очилмаган ҳолда кредитлаш тўғрисида
КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ
(намунавий шакл)

20 __ йил “ __ ” _____ № _____ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг _____ филиали
(кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси _____ Низом ва Ишоннома
асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва _____

(қарздорнинг/мижознинг тўлиқ номи)

(кейинги ўринларда – Қарздор/мижоз) раҳбари _____
асосида фаолият юритиб, иккинчи томондан, мазкур Шартномани

(устав, низом, гувоҳнома)

қуйидагилар тўғрисида туздик.

1-§. Шартнома предмети

1. Банк, _____ кредит комиссиясининг 20__ йил “ __ ” _____ даги
(Филиал/Бош банк)
_____/_____-сон баённомасига мувофиқ Қарздорга/мижозга _____ муддатга _____
(_____) сўм
кредит тақдим этади.

2. Кредитнинг мақсади _____
_____ ҳисобланади.

3. Қарздор/мижоз томонидан олинган кредит ҳисобини юритиш учун Банк унга тегишли кредит ҳисобварағини очади.

4. Банк Қарздорга/мижозга ажратилган кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблайди.

Кредитнинг тўлиқ қиймати – кредит шартномасига мувофиқ Қарздор/мижоз томонидан амалга ошириладиган тўловлардан иборат бўлиб, ушбу тўловларнинг миқдори ва муддати кредит шартномасини тузиш пайтига аниқ бўлади. Агар Қарздорнинг /мижознинг учинчи шахс фойдасига амалга оширадиган тўловлари кредит шартномаси шартларидан келиб чиқадиган бўлса, бундай тўловлар ҳам кредитнинг тўлиқ қийматига қўшилади. Кредитнинг тўлиқ қийматига қуйидаги тўловлар қиради: кредит шартномаси тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бўлган Қарздор/мижоз тўловлари (кредит бўйича асосий қарзни қайтаришга оид тўлов; кредит бўйича фоиз тўлови); кредит шартномаси шартларига мувофиқ Қарздорнинг/мижознинг учинчи шахс (суғурта компанияси, нотариал идора) фойдасига амалга оширадиган тўловлари (гаровга қўйилаётган мулкни баҳолаш учун тўлов; гаров предметини суғурталаш учун тўлов ва бошқа тўловлар). Кредитнинг тўлиқ қийматига қуйидаги тўловлар қирмайди: кредит шартномасига эмас, балки қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириладиган Қарздор/мижоз тўловлари (масалан, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш учун тўлов); кредит шартномасининг шартлари бажарилмаганлиги билан боғлиқ Қарздор/мижоз тўловлари (муддати ўтган кредитга оширилган ставка бўйича фоиз тўлови); кредит шартномасида назарда тутилган Қарздор/мижоз тўловлари (агар ушбу тўловлар миқдори ва/ёки муддати Қарздорнинг/мижознинг қарорига ва/ёки ўзини тутишига боғлиқ бўлса): қарздорлик ҳолати ҳақида маълумот тақдим этилганлиги учун ундириладиган воситачилик ҳақи.

2-§. Кредитнинг фоиз ставкаси ва
кўрсатилган хизмат учун олинган хак

5. Кредитнинг фоиз ставкаси йиллик ҳисоб асосида ____% миқдорида белгиланди ва Банк томонидан Қарздорнинг/мижознинг кредит ҳисобварағидан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб ҳар кунга ҳисоблаб борилади.

6. Кредит бўйича муддати ўтган фоиз тўлови юзага келган тақдирда, Қарздор/мижоз ҳар бир муддати ўтган кун учун тўлов муддати ўтган қарздорликдан 0,5%, лекин муддати ўтган фоиз қарздорлигининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда, Банкка пеня тўлайди, пеня тўланиши Қарздорни/мижозни муддати ўтган фоизни тўлашдан озод қилмайди.

7. Кредит шартномасининг таркибий қисми ҳисобланган асосий қарзни қайтариш графигида белгиланган муддатда кредитнинг қайтарилиши амалга оширилмаса, Банк томонидан кредит фоизи кредит шартномасида ўрнатилган фоиз ставкасидан 1,5 марта оширилган фоиз ставкасида ундирилади.

8. Қарздор/мижоз Бош банк (филиал) кредит комиссияси қарорига мувофиқ кредит ҳисобварағидан тўлов амалга оширилганлиги учун Банкка ҳақ тўлайди.

9. Мазкур Шартнома шартларига Қарздорнинг/мижознинг ташаббусига кўра ўзгартириш киритилганда, Банк Қарздордан/мижоздан Банк тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақи ундиради.

3-§. Кредит шартномаси бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби

10. Қарздор/мижоз томонидан кредит бўйича асосий қарзни қайтаришга оид тўлов ушбу Шартномага илова қилинган кредитни қайтариш графигига мувофиқ амалга оширилади.

11. Банк кредит бўйича асосий қарзга Қарздорнинг/мижознинг кредит ҳисобварағидан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб ҳар кунга фоиз ҳисоблаб боради ва ҳисобланган фоизни ҳар ойнинг 11 санасида ундиради.

Агар кредит бўйича фоизни тўлаш дам олиш кунларига тўғри келса, тўлов дам олиш кунларидан кейинги биринчи иш кунида, дам олиш кунларига ҳисобланган фоизни ҳам қўшган ҳолда, амалга оширилади.

12. Кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз бўйича муддати ўтган қарздорлик юзага келса, фоиз бўйича қарздорлик календарь кетма-кетлигида навбат билан ундирилади.

13. Кредит ёки унга ҳисобланган фоиз бўйича муддати ўтган қарздорлик пайдо бўлганда Банк Қарздорнинг/мижознинг филиалдаги ёки бошқа банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ацептсиз тартибда тўлов талабномасини кўйишга ҳақли ҳисобланади.

14. Тўловни амалга оширишга асос бўладиган барча ҳужжат ва шартномалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши лозим. Ушбу талабга риоя этилмаганда Банк кредит ҳисобварағидан тўловни амалга оширишдан бош тортишга ҳақли ҳисобланади. Банк тўловни амалга оширишга асос бўладиган шартномага Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни талаб қилишга ҳам ҳақли ҳисобланади.

3-§. Томонларнинг мажбуриятлари

15. Банкнинг мажбуриятлари:

а) кредитни Қарздорга/мижозга 20__ йил “__” _____ дан 20__ йил “__” _____ гача бўлган муддатга бериш;

б) тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилганда, кредит ҳисобидан тўловни у тақдим этилган кунда амалга ошириш;

в) кредитни муддатидан олдин ундириш омили ва сабаблари ҳақида Қарздорни/мижозни хабардор этиш;

г) кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда Қарздор/мижоз зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 календарь куни давомида ҳар қандай алоқа боғлаш усулидан, шу жумладан электрон алоқа воситасидан фойдаланиб,

Қарздорга/мижозга муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида кредитни қайтариш графигини илова қилган ҳолда хабар бериш;

д) Қарздорни/мижозни ушбу шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, қиймати, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиш, Қарздордан/мижоздан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш;

е) Қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздорга/мижозга етказиш.

16. Қарздорнинг/мижознинг мажбуриятлари:

а) кредитлаш муддати даврида кредитлашнинг қайтаришлилик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли ишлатиш шартларини бажариш;

б) кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш ва ушбу Шартнома 15-бандининг “а” кичик бандида кўрсатилган муддатдан кечиктирмасдан олинган кредитни тўлиқ сўндириш;

в) кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида қуйидагиларни тақдим этиш (*амалда тақдим этилган таъминот тури акс эттирилади*):

- *кўчмас мулк гарови* (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Банкни қаноатлантирадиган тарзда расмийлаштирилган, қиймати _____ (_____) сўмга тенг бўлган, _____ манзили бўйича жойлашган, 20__ йил “__” _____ даги _____-сон гувоҳнома ва 20__ йил “__” _____ даги _____-сон кадастр ҳужжати билан _____ га тегишли кўчмас мулк);

- *транспорт воситаси гарови* (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Банкни қаноатлантирадиган тарзда расмийлаштирилган, қиймати _____ (_____) сўмга тенг бўлган, _____ манзили бўйича жойлашган, 20__ йил “__” _____ даги _____-сон техпаспорт ва _____ давлат рақами билан _____ га тегишли транспорт воситаси);

- *технологик ускуна гарови* (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Банкни қаноатлантирадиган тарзда расмийлаштирилган, қиймати _____ (_____) сўмга тенг бўлган, _____ манзили бўйича жойлашган, 20__ йил “__” _____ даги _____-сон юк божхонаси декларацияси/юк хати билан _____ га тегишли технологик ускуна);

- *кафиллик гарови* (қиймати _____ (_____) сўмга тенг бўлган, _____ томонидан берилган, 20__ йил “__” _____ даги _____-сон кафиллик шартномаси билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган кафиллик).

г) кредит бўйича гаров таъминотини, мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида шартнома (гаров шартномаси, кафиллик шартномаси) билан расмийлаштириш;

д) гаров предметини кредитнинг тўлиқ даврига ўрнатилган тартибда Банк фойдасига суғурта қилиш ҳамда суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тарзда тасдиқланган гаров шартномасининг аслини Банкка топшириш;

е) ушбу Шартнома амал қиладиган давр ичида, Банкни олдиндан огоҳлантирмасдан, бошқа банклардан кредит олмаслик, кафолат бермаслик ёки кафил бўлмаслик, қарз олмаслик, шунингдек ўзининг ҳар қандай мулкни бошқа кредиторнинг кредити бўйича таъминот сифатида гаровга қўймаслик;

ё) тақдим этилган бизнес-планга мувофиқ техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш;

ж) олинган кредитни ушбу Шартномага илова қилинган кредитни қайтариш графигида белгиланган муддатларда ёки муддатидан олдин қайтариш;

з) кредит бўйича асосий қарзни кредитни қайтариш графиги бўйича қайтариш, кредитга ҳисобланган фоизни ушбу Шартноманинг 11-бандида қайд этилган муддатда тўлаш, шунингдек ушбу Шартноманинг 8 ва 9-бандларида кўрсатилган воситачилик ҳақини ундириш учун зарур бўладиган маблағнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида мавжуд бўлишини таъминлаш;

и) назорат функцияси амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ инспекциясига тақдим қилинган бухгалтерия баланси (1-шакл бўйича ҳисобот) ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл бўйича ҳисобот) нусхалари, пул маблағининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот, дебитор ва кредитор қарздорликлар ёйилмасини (90 кундан ортиқ муддат давомида мавжуд бўлиб келаётган қарздорликлар бўйича солиштирув далолатномасининг нусхаси илова қилинган ҳолда) ушбу Шартнома амал қиладиган давр давомида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмасдан Банкка тақдим этиб бориш (*агар ҳисобот йилда бир марта топширадиган бўлса, оператив баланс ҳисоботини, молиявий ҳужжатни имзолаш ваколати бўлган раҳбарлар томонидан имзоланган ва муҳр босиб тасдиқланган ҳолда, тўлиқ ҳажмда ҳар чоракда тақдим қилиб бориши*);

й) лойиҳани кредитлаш масаласи билан боғлиқ ҳар қандай ахборотни унга зарурият ушбу Шартнома амал қиладиган давр давомида пайдо бўлганда Банкка унинг талаби бўйича тақдим этиш;

к) Банкнинг тегишли ваколатга эга бўлган ходимларининг бухгалтерия ҳужжатлари билан танишиш, кредитнинг мақсадли ишлатилганлигини текшириш, гаров мулкининг ҳақиқатдаги ҳолатини кўздан кечириш учун хизмат бинолари, ишлаб чиқариш объекти ва бошқа ҳудудга бемалол киришини таъминлаш;

л) юридик манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида, ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб 10 календарь куни ичида, Банкка хабар бериш;

м) ушбу Шартнома амал қиладиган давр давомида мулк шаклини қўшиш, тугатиш ва бошқа ҳар қандай шаклда қайта ташкил этиш орқали ўзгартиришни Банкнинг ёзма розилигисиз амалга оширмаслик;

н) кредит ва унга ҳисобланган фоиз бўйича қарздорлик белгиланган муддатда сўндирилмаган тақдирда, ушбу қарздорликни (унга ҳисобланган жарималарни ҳам қўшган ҳолда) ўзининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан акцептсиз ундириш ҳуқуқини Банкка бериш;

о) кредит ва унга ҳисобланган фоиз бўйича қарздорликни сўндириш учун маблағи мавжуд бўлмаган ҳолда қарздорлик юзасидан ундирувни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров таъминотига ёки бошқа ликвидли мулкига қаратиш ҳуқуқини Банкка бериш;

п) фаолияти тугатилганда ёки ҳуқуқий мақоми ўзгарганда ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажариш тугатилган (мақоми ўзгарган) Қарздорнинг/мижознинг ворисига ўтади ёхуд Қарздор/мижоз кредит ва унга ҳисобланган фоиз бўйича қарздорликни, ушбу Шартномада белгиланган сўндириш муддатидан қатъий назар, муддатидан олдин тўлаш;

р) бошқа банкларда иккиламчи ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисида Банкка хабар бериш;

с) агар томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришилмаган бўлса, ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятлар бажарилмагунга қадар бошқа банкларда миллий ва чет эл валюталарида ҳисобварақлар очмаслик, шунингдек кредит ва бошқа молиявий мажбуриятлар расмийлаштирмаслик;

т) ушбу Шартнома тузилган пайтдан бошлаб 60 банк куни давомида ажратилган

кредит маблағини тўлиқ ишлатиш;

у) Гаров реестрига ёзув киритилишига қарздор/мижоз ва/ёки гаровга қўювчининг ёзма розилиги тақдим этиш.

4-§. Томонларнинг ҳуқуқлари

17. Банкнинг ҳуқуқлари:

а) Қарздорнинг/мижознинг кредитни қайтариш қобилиятини аниқлаш учун унинг молиявий ҳолатини ҳар чоракда таҳлил қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгарганда, Қарздорни/мижозни ёзма огоҳлантирган ҳолда, кредитнинг фоиз ставкасини ўзгартириш;

в) ушбу Шартнома амал қиладиган давр давомида Қарздор/мижоз фаолияти кўрсаткичларининг бизнес-режага мувофиқлиги, гаровга олинган мулкнинг ҳолати ҳамда кредит ва унга ҳисобланган фоизни ўз вақтида сўндириш истиқболини мониторинг қилиш;

г) кредит ўз вақтида қайтарилмаганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорликни сўндиришга қаратилган барча имкониятлардан фойдаланиш;

д) Қарздорнинг/мижознинг молиявий ҳолати ёмонлашганда (зарар кўриб ишлаш, балансинг ноликвидлиги, 2-картотеканинг мавжудлиги, бухгалтерия ҳисобини юритиш талабга жавоб бермаслиги, ҳисобот маълумотларининг ишончли эмаслиги), бизнес-режанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари бажарилмаганда, банк назоратидан бош тортилганда кредитни муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш ва кредитлашни бундан буён тўхтатиш;

е) кредитнинг мақсадли ишлатилмаган қисмини жарима қўллаган ҳолда муддатидан олдин ундириш;

ё) Қарздор/мижоз томонидан ушбу Шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини Қарздорга/мижозга етказиш;

ж) талабнома етказилгандан сўнг ўттиз кун ичида Қарздор/мижоз унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, тегишли талаб билан судга мурожаат қилиш;

з) кредит ва унга ҳисобланган фоиз бўйича қарздорликни сўндириш учун Қарздорнинг/мижознинг маблағи мавжуд бўлмаганда қарздорлик юзасидан ундирувни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров таъминотига ёки бошқа ликвидли мулкка қаратиш;

и) кредит сўндирилишидан 20 банк куни олдин Қарздордан/мижоздан асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига кирим қилинаётган маблағни кредит ва унга ҳисобланган фоиз бўйича қарздорлик қолдиғи сўндирилиши учун етарли миқдорда тўплаб боришни талаб қилиш;

й) Қарздор/мижоз томонидан ушбу Шартноманинг 16-бандида қайд этилган ўз мажбуриятларига риоя қилинмаганда уни бундан буён кредитлашдан воз кечиш ҳамда кредит ва унга ҳисобланган фоиз бўйича қарздорликни Қарздорнинг/мижознинг Банкдаги ёки бошқа банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан муддатидан олдин, кредит бўйича қарздорлик қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима қўллаган ҳолда, акцептсиз ундириш.

18. Қарздорнинг/мижознинг ҳуқуқлари:

а) ушбу Шартномада белгиланган шартларда, миқдорда ва муддатда кредит олиш;

б) Банк билан келишган ҳолда кредитни муддатидан олдин сўндириш;

в) Банкнинг айбига кўра кредитнинг ушбу Шартномада белгиланган шартларга зид равишда тўлиқ бўлмаган миқдорда ёки муддатига риоя этилмаган ҳолда тақдим этилишига йўл қўйилганлиги туфайли товар сотувчига (иш бажарувчига, хизмат

кўрсатувчига) тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун тўланган жаримани Банкдан қоплаб беришни талаб қилиш.

5-§. Томонларнинг жавобгарлиги

19. Мазкур Шартнома 15-бандининг “а” кичик бандига риоя этилмаганлиги учун Банк ҳар бир муддати ўтган кун учун муддати ўтган тўлов қийматидан 0,1%, лекин муддати ўтган тўлов қийматининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда Қарздорга/мижозга пеня тўлайди (бунда Қарздорнинг/мижознинг ушбу Шартнома шартларига Банк риоя этмаганлиги асосланган ёзма талаби мавжуд бўлиши лозим).

20. Кредит мақсадли ишлатмаганлиги учун Қарздордан/мижоздан кредитнинг мақсадли фойдаланилмаган қисми қийматидан 10% миқдорда, кредитнинг мақсадли ишлатилмаган қисмини муддатидан олдин сўндирган ҳолда, Банк жарима ундиради.

6-§. Форс-мажор ҳолатлар

21. Ушбу Шартномага кўра қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон, агар бунга форс-мажор ҳолат сабаб бўлганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

22. Форс-мажор ҳолатларга, улар оқибатида келиб чиққан фавқулодда, жорий шароитда бартараф этиб бўлмайдиган ва олдиндан қутилмаган вазиятлар, агар ушбу вазиятлар томонларнинг мазкур Шартномани бажаришига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, қуйидагилар қиради:

а) табиий ҳодисалар (зилзила, ёнғин, кўчки, довул, сув тошқини, эпидемия, қурғоқчилик, портлаш);

б) ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (ҳарбий ҳаракат, иш ташлаш, оммавий тартибсизликлар, қамал, давлат ташкилотлари ҳамда давлатлар ўртасидаги чекловчи ва тақиқловчи чоралар, шунингдек барча даражадаги давлат органларининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан форс-мажор ҳолат сифатида тан олинган ва эълон қилинган вазиятлар).

23. Форс-мажор ҳолат содир бўлиши оқибатида ўз мажбуриятини бажариш имкониятига эга бўлмаган ва жавобгарликдан озод қилишни даъво қиладиган томон форс-мажор ҳолат содир бўлганини маълум бўлиши билан иккинчи томонни мазкур ҳолат тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

24. Жавобгарликдан озод бўлиш учун асос форс-мажор ҳолат содир бўлган вақтдан бошлаб ёки агар хабар ўз вақтида берилмаган бўлса, у ҳолда хабар берилган санадан эътиборан кучга эга бўлади. Хабар берилмаслиги, мажбуриятни бажармаган томон зиммасига кўрилган зарарни қоплаш юзасидан жавобгарликни юклайди.

25. Форс-мажор ҳолатнинг 6 ойлик муддат давомида сақланиб туриши мазкур Шартномани бекор қилиш учун асос бўлади.

7-§. Низони ҳал этиш тартиби

26. Томонлар ушбу Шартномадан келиб чиқувчи низони музокара йўли билан ҳал этишнинг барча зарур чорасини кўриш мажбуриятини олади.

27. Низони музокара йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаса, у Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий судда ҳал қилинади.

8-§. Бошқа шартлар

28. Қарздор/мижоз кредит қайтарилишининг таъминотини белгиловчи мулк гарови шартномасини (кафиллик шартномаси, суғурта полисини) Банкка тақдим этади.

29. Ушбу Шартнома шартларини ўзгартириш томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга оширилади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади.

30. Ушбу Шартнома томонлар тарафидан имзо қўйилгандан сўнг кучга қиради ва Қарздор/мижоз ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб бўлганга қадар амал қиладди. Шу

билан бирга кредитни тақдим этиш бўйича Банк мажбурияти Қарздор/мижоз томонидан қуйидаги шартлар бажарилгандан сўнг амалга киритилади:

а) гаровга қўйилган мулкни кредитнинг тўлиқ даврига Қарздор/мижоз томонидан Банк фойдасига суғурта қилиш ҳамда суғурта шартномаси ва суғурта полисининг аслини Банкка топшириш;

б) Банк ва Қарздор/мижоз ўртасида тузилган гаров шартномасини нотариал тартибда тасдиқлатиш.

31. Ушбу Шартнома 30-бандида қайд этилган шартлар Қарздор/мижоз томонидан бажарилмаганлиги туфайли шартнома тузилган кундан бошлаб 30 календарь куни давомида кредитни тақдим этиш бўйича Банк мажбуриятлари кучга кирмаса, мазкур Шартнома ва у бўйича томонларнинг барча мажбурияти амал қилишини тўхтатади.

32. Томонлар ушбу Шартноманинг тўлиқ махфийлигини таъминлайди ва унинг шартларини томонларнинг ўзаро розилигисиз учинчи томонга ошкор қилмаслик мажбурияти олади.

33. Агар томонлардан бири ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ўзгаришни ўз бошидан ўтказса, иккинчи томон олдидаги ўз мажбуриятини ўзгариш рўй бергунга қадар бажариши ёки ўзининг ҳуқуқий ворисига юклаши лозим.

34. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

35. Мазкур Шартнома иловалари, унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар улар кучга киритилгандан бошлаб ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

36. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланилади.

9-§. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

| Банк: | Қарздор/мижоз: |
|------------------------|------------------------|
| Манзили _____ | Манзили _____ |
| Тел. _____ Факс: _____ | Тел. _____ Факс: _____ |
| Банк коди _____ | Банк коди: _____ |
| Ҳисобварағи _____ | Ҳисобварағи _____ |
| СТИР _____ | СТИР _____ |
| Бошқарувчи _____ | Рахбар _____ |
| <i>Мухр ўрни</i> | <i>Мухр ўрни</i> |

КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ГРАФИГИ

(сўм ва тийинда)

| Кредит қиймати | _____ сўм | | |
|---|-------------------------------|---------------------------------|---------------------|
| Кредитнинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисоб асосида) | _____ % | | |
| Кредит муддати | _____ ой | | |
| № | Асосий қарзни қайтариш санаси | Тўланадиган асосий қарз суммаси | Асосий қарз қолдиғи |
| 1 | | | |
| 2 | | | |
| 3 | | | |
| 4 | | | |
| 5 | | | |
| 6 | | | |
| 7 | | | |
| 8 | | | |
| 9 | | | |
| 10 | | | |
| ... | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

Банк:

Манзили _____
Тел. _____ Факс: _____
Банк коди _____
Ҳисобварағи _____
СТИР _____
Бошқарувчи _____
Бош бухгалтер _____
Мухр ўрни _____

Қарздор/мижоз:

Манзили _____
Тел. _____ Факс: _____
Банк коди: _____
Ҳисобварағи _____
СТИР _____
Директор _____
Бош бухгалтер _____
Мухр ўрни _____